

# Territorial Issues of Agricultural Sector Development in Andijan Province

Izzatjon Ibrahimjon oglu Abbosov

He is a graduate student of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Husniddin Urozdavlat oglu Kholikov

Student of Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

## Андижон Вилоятида Қишлоқ Хўжалиги Тармоқлари Ривожланишининг Худудий Масалалари

Иззатжон Иброҳимжон ўғли Аббосов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Хусниддин Ўроздавлат ўғли Холиқов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

**Annotation.** This article covers regional issues of agricultural development in Andijan region. The regional land fund and agricultural production indicators were analyzed.

**Keywords:** agriculture, land fund, irrigated lands, cotton, vegetables, cereals, development.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг худудий масалалари ёритилган. Вилоят ер фонди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, ер фонди, суғориладиган ерлар, пахта, сабзавот, донли экинлар, ривожланиш.

**Кириш.** Андижон вилоятининг ўзига хос табиий-иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланишига қулай шароит яратади. Таъкидлаш жоизки, минтақанинг табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ва тармоқлар таркибини нафақат унинг туманлари даражасида, балки хўжаликлар доирасида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифаларни ижобий ҳал этиш вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғри ва оқилона ривожланишига сабаб бўлади.

**Методология.** Андижон қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва худудий ташкил этилишининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- ✓ энг қадимги, анъанавий халқ машғулотли;
- ✓ мавсумий характерга эга;
- ✓ қишлоқ хўжалигининг ривожланиши об-ҳаво, иқлим шароитларига боғлиқ;
- ✓ қишлоқ хўжалигининг ҳолати, ўз навбатида, саноатга, айниқса енгил ва озик-овқат саноат ривожланишига кучли таъсир кўрсатади;
- ✓ ушбу тармоқнинг худудий ташкил этилиши ареал характерга эга (саноат нуқта шаклида, транспорт чизиқсимон, тасмасимон);
- ✓ қишлоқ хўжалигининг, одатда, меҳнат унумдорлиги саноатга нисбатан паст;
- ✓ қишлоқ хўжалиги аҳолини истеъмол моллари билан, саноатни хом ашё билан таъминлайди;
- ✓ қишлоқ хўжалиги корхоналари учун хом ашё керак эмас, унинг асоси агроиқлимий ресурслар, яъни ҳарорат, намлик ва тупроқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг юқоридаги хусусиятлари ушбу тармоқнинг асосий иқтисодий ва иқтисодий географик кўрсаткичларини, ривожланиши ва жойланишини белгилаб беради.

**Натижалар таҳлили.** Қишлоқ хўжалиги зиммасига вилоят ялпи ички маҳсулотининг 1/6 қисмига яқини тўғри келади. Сўнгги йилларда республикада иқтисодий саноатлаштириш дастурини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигининг нисбий кўрсаткичлари, яъни улуши пасайиб бориш тенденциясига эга<sup>1</sup>. Шу асосда вилоят иқтисодиёти аграр-индустриал шаклдан тобора, аста-секин индустриал-аграр йўналиш касб этмоқда.

1-жадвал

**Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари улуши**

№	Туманлар	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар, минг га
1	Андижон	36,9	21,8	17,6
2	Асака	28,3	16,1	13,7
3	Балиқчи	33,9	20,9	20,9
4	Булоқбоши	18,9	9,9	8,8
5	Бўз	20,0	13,1	13,1
6	Жалақудук	36,9	24,6	21,4
7	Избоскан	28,2	18,4	18,4
8	Марҳамат	30,5	19,2	16,0
9	Олтинқўл	22,2	12,9	12,8
10	Пахтабод	26,0	17,2	17,2
11	Улуғнор	35,7	22,6	21,7
12	Хўжабод	22,9	12,0	9,7
13	Шаҳрихон	33,4	19,9	18,0
14	Қўрғонтепа	47,5	27,6	24,5
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>430,3</b>	<b>256,9</b>	<b>234,2</b>

Жадвал “Ўзбекистон Республикасининг ер фонди” – Т.: ЎзР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2020 йил маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Вилоятнинг умумий ер фонди 430,3 минг гектардан иборат ва бу борада республикада энг охириги ўринларда туради (1 %). Ер ресурслари билан нисбатан Қўрғонтепа, Андижон ва Жалақудук туманлари яхши таъминланган. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлигини вилоят шароитида суғориладиган ерларнинг мавжудлиги белгилаб беради (1-жадвал). Алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда бу кўрсаткич ниҳоятда юқори - суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ерларга нисбатан улуши 91,1 фоизга тенг. Жумладан, Балиқчи, Бўз, Избоскан, Олтинқўл, Пахтабод туманларида улар 100 фоизни ташкил қилади.

<sup>1</sup> Қишлоқ хўжалигининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 1990 йилда 33,4 %, 2000 йилда 30,0 % ва 2010 йилда 17,5 %, 2020 йилда 15,5 % бўлган.

2-жадвал

**Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан (фоизда)**

№	Туманлар	экин ерлар	кўп йиллик дарахтзорлар	бўз ерлар	пичанзор яйловлар	ва
1	Андижон	60,1	19,3	3,2	17,9	
2	Асака	67,5	16,8	1,4	14,3	
3	Балиқчи	93,8	6,2	-	-	
4	Булокбоши	74,7	13,1	0,8	11,4	
5	Бўз	94,6	5,4	-	-	
6	Жалақудук	72,8	13,0	1,6	12,6	
7	Избоскан	91,3	8,5	-	-	
8	Марҳамат	69,3	12,5	2,1	16,1	
9	Олтинқўл	88,4	10,1	0,6	0,9	
10	Пахтаобод	91,3	8,7	-	-	
11	Улуғнор	94,0	4,9	0,4	0,5	
12	Хўжаобод	54,2	25,8	2,5	17,5	
13	Шаҳрихон	81,9	8,6	-	9,5	
14	Кўрғонтепа	78,3	10,5	1,8	9,4	
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>79,3</b>	<b>11,2</b>	<b>1,2</b>	<b>8,3</b>	


Жадвал “Ўзбекистон Республикасининг ер фонди” – Т.: ЎЗР ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, 2020 йил маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Вилоятда экин экиладиган ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 79,3 фоизига тенг; унинг 8,3 % пичанзор ва яйловлардан иборат, холос. Экин ерларнинг ҳиссаси, хусусан Балиқчи, Бўз, Избоскан, Пахтаобод, Улуғнор каби туманларда катта, пичанзор ва яйловлар эса нисбатан Андижон, Хўжаобод, Марҳамат ва Асака туманларида кўпроқ майдонни эгаллайди. Балиқчи, Бўз, Избоскан ҳамда Пахтаобод туманларида эса бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар умуман мавжуд эмас. Сабаби мазкур ҳудудлар экин ерлар катта майдонни эгаллайди, шунингдек, Олтинқўл ва Улуғнор туманларида ҳам деярли шу ҳолатни кўриш мумкин. Умуман олганда вилоятда ер ресурслари билан боғлиқ муаммо жуда долзарб ҳисобланиб, туманлар доирасида ҳам яққол сезилади (2-жадвал).

Бироқ вилоят қишлоқ хўжалиги, юқорида кўрсатилган жихатларидан келиб чиққан ҳолда, йиллар давомида бир хил ёки барқарор ривожланиб бормайди. Бунга ижтимоий-сиёсий омиллар билан бирга иқлим шароитлари ҳам катта таъсир кўрсатади.


Мавжуд маълумотларга кўра, вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиш даражаси ўтган 20 йил мобайнида умумий ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларига нисбатан гоҳ паст (1991,1994,1996,2005,2010,2016 йй.), гоҳ юқори (асосан қолган йилларда) бўлган. Демак, худди шу йилларда агроиқтисодиётнинг миллий иқтисодиёт ўсишига таъсири ҳам ҳар хил кузатилади. Кўрилаётган даврда саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги нисбат ҳам ўзига хос. Масалан, саноатнинг ўсиш кўрсаткичи 1991, 1993, 1994, 1996, 1999-2002 ва 2004-2010 йилларда ёки 20 йилдан 15 йилда устуворроқ бўлган. Энг муҳими шундаки, хусусан сўнгги 10 йилда қишлоқ хўжалигининг нисбий ривожланиш даражаси сустроқ кечган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни саноатлаштиришдан дарак беради.

### 2000 йил



■ Пахта                      ■ Донли экинлар  
■ Сабзавотлар            ■ Бошқа экинлар

### 2020 йил



■ Пахта                      ■ Донли экинлар  
■ Сабзавот                 ■ Бошқа экинлар

**1-расм. Андижон вилоятининг экин майдони (жамига нисбатан фоизда)**

2020 йилда вилоятда жами экин майдонлари 231,6 минг гектар бўлган. Шундан донли экинлар 92,1 минг га майдонда етиштирилган. Ялпи ҳосил 609 минг т (2000 й.-580 минг т) ёки республика ғалласининг 8,2 фоизига баробар. Донли экинлар таркибида буғдой етакчи: 83,5 минг га, ялпи ҳосил 556,9 минг т, ҳосилдорлик 66,7 ц/га. Пахтазорлар 100 минг гектарга яқин бўлиб, у 2000 йилга қараганда 6 минг гектарга қисқарган. Ялпи ҳосил ҳам бироз камайган ва 293 минг тоннани ташкил қилган, ҳосилдорлик 29,4 ц/га (2000 йилда 31,8 ц/га). Пахта деярли тўлиқ фермер хўжаликларида етиштирилади.

3-жадвал

Андижон вилоятининг қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар

№	Туманлар	Сабзавот экинлари		Полиз экинлари		Картошка	
		ҳосилдорлик, ц/ га	ялпи ҳосил, ц	ҳосилдорлик, ц/ га	ялпи ҳосил, ц	ҳосилдорлик, ц/ га	ялпи ҳосил, ц
1	Андижон	289,5	547542	0	0	265,2	22543
2	Асака	375,4	50191	221	1995	287,6	84006
3	Балиқчи	442,2	247630	206,6	6200	154,0	56202
4	Булоқбоши	339,8	154268	0	0	113,7	18770
5	Бўз	393,8	74399	228,0	13454	222,2	42440
6	Жалолқудук	330,5	330203	164,2	2300	279,6	117709
7	Избоскан	361,7	363963	347,6	7300	199,9	111180
8	Улуғнор	106,4	5850	81,4	20505	121,6	7665
9	Марҳамат	324,9	241457	200	1000	219,4	57280
10	Олтинқўл	320	383164		2300	201,5	48365
11	Пахтаобод	258,5	210442	196	7850	168,1	47081
12	Хўжаобод	336,1	105551	301,5	603	201,6	42952
13	Шахрихон	258,5	344574	206,5	50609	149,6	559476
14	Қўрғонтепа	362,6	34957,2	205	2050	166,3	68836
	Вилоят бўйича	324,4	3894096	170,0	116666	202,3	789258

Шу жумладан, сабзавот экинлари ялпи ҳосили 2020 йилда деярли 3,9 млн, ҳосилдорлик гектарига 324,4 центнерга тенг бўлди. Туманлар миқёсида ҳосилдорлик бўйича Балиқчи яққол ажралиб туради (442,2 ц), асосан яйлов чорвачилигига ихтисослашган Улуғнорда кўрсаткич энг паст (106,4). Полиз маҳсулотлари ҳосилдорлиги ҳам унча ёмон эмас (170 ц), лекин унинг ҳудудий тафовутлари жуда юқори, аниқроғи Андижон, Олтинқўл ва Булоқбоши туманлари дерли йўк. Избоскан эса полизчиликка яққол ихтисослашган ҳудуд бўлиб, гектарига 347,6 центнерда ортик ҳосил олади. Картошқачилик ҳам кенг ривожланган тармоқ бўлиб, бу борада ҳосилдорлик 202,3 центнерга тенг. Ҳудудлар доирасида унчалик катта тафовут кузатилмайди, нисбатан юқори кўрсаткичлар Асака ва Андижон, энг ками Булоқбоши тумани ҳиссасига тўғри келади (113,7).

Бошқа техника ва мойли экинлардан кунгабоқарга жуда катта эътибор берилмоқда. У 2020 йилда 2,0 минг гектарга экилган. Кунгабоқар асосан ёғ олиш мақсадида етиштирилади. Шу мақсадда ер ёнғоқ ҳам экилади.

Вилоятда картошка етиштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Кўрилатган йилда у 7,1 минг гектарга экилиб, 170 минг тоннага яқин ҳосил олинган. Сабзавот 35,3 минг гектарни эгаллаган, ялпи ҳосили 862 минг тонна. 2010 йилда ем-ҳашакка ажратилган ер майдони 13,0 минг гектарга, унинг ярмидан кўпроғи силос учун экиладиган маккажўхори билан банд. Боғдорчилик майдони 23,8 минг гектарни ташкил қилган; узум 4,2 минг гектарда етиштирилган; ялпи ҳосил, мос ҳолда, 358 ва 38 минг тонна.

Чорвачилик маҳсулотларидан 2020 йилда тирик вазнда гўшт 92 минг т, сут 541 минг т, тухум 227 млн. дона, жун 1847 тонна, пилла 3317 тонна олинган. Йирик шохли қорамоллар сони 735 минг бош, қўй ва эчкилар 890 минг бош. Таққослаш учун: 2000 йилда 2700 тонна атрофида пилла тайёрланган, йирик шохли қорамоллар 440 минг бош, қўй ва эчкилар 500 минг бошга яқин бўлган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда Андижон, Жалакудук, Кўрғонтепа, Пахтаобод, Избоскан туманлари олдинда (7,0-8,8 %). Улуғнор, Хўжаобод, Бўз ва Булоқбоши туманларининг улуши эса пастроқ. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, энг юқори кўрсаткич Бўз ва Улуғнор туманларида қайд этилади; Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод туманларида ҳам бу кўрсаткич ўртача даражадан кўпроқ.

**Хулоса.** Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши анъанавий ҳолда шаклланган бўлиб, бу борада республикамизда ўз ўрнига эга. Мустақилликка асосан пахта етиштирилган бўлса, ундан кейин дон ва сабзавот экинлари майдони ҳам босқичма-босқич кенгайтириб борилди. Бундан ташқари вилоят ҳудуди боғдорчилик учун қулай бўлганлиги сабабли интенсив боғлар ташкил этиляпти. Деҳқончилик деярли барча ҳудудларда интенсив йўналишда олиб борилмоқда. Экстенсив хўжалик асосан яйловлар майдони кўпроқ бўлган ҳудудларда сақланиб қолган.

Шаҳар атрофи ҳудудларида деҳқончилик нисбатан яхши ташкил этилган. Бу борада Андижон, Олтинқўл, Избоскан, Шаҳрихон ва Жалолкудук туманли ажралиб туради. Айнан мана шу ҳудудларни сабзавотчиликка ихтисослаштириш мумкин. Шаҳрихон, Улуғнор ва Бўз туманларида полизчиликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Шаҳрихон, Жалолкудук ва Избоскан туманларида картошкачилик яхши ташкил этилган.

Улуғнор, Хўжаобод, Бўз ва Булоқбоши туманларини чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш маъқулроқ.